

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 29 январь ● сешанба ● № 4 (563) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК БАРҚАРОР БЎЛСИН!



ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЛИМ
ЖАЗОСИНИНГ БЕКОР
ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН СЛОВЕНИЯ
РАИСЛИГИНИНГ ЕВРОПА
ИТТИФОҚИ НОМИДАН
БАЁНОТИ

1. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилинганини қизгин маъқуллайди. Биз Ўзбекистон ҳукумати ва халқини ушбу муҳим қарор билан самимий қутлаймиз. Европа Иттифоқи Ўзбекистон ҳукуматини ушбу қарорни тўла рўйга чиқариш ҳамда суд тизимидаги ислохотларни бундан буён ҳам изчил амалга оширишда қўллаб-қувватлайди.

2. Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди.

Европа Иттифоқи ўлим жазосининг бутун дунёда бекор қилинишига эришиш ўз фаолиятининг асосий мақсади эканини яна бир бор тасдиқлайди. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши юқорида қайд этилган мақсад йўлида қўйилган муҳим қадам, деб билади ва минтақадаги бошқа мамлакатлар ҳам бу борада Ўзбекистондан ўрнак олади, деб умид қилади.

2 ва 3 бетлар →

● Нигоҳ

ҚАТЪИЯТЛИ ҚАДАМ

Жаҳонда инсониятни ҳимоя қилиш учун олиб борилаётган курашнинг диққат марказида яшаш ҳуқуқи каби олий қадриятни асраш вазифаси турибди. Шундай экан, ҳали жамиятда тоталитар-инквизициявий сиёсий тизимнинг қуроли ҳисобланмиш ўлим жазосининг мавжудлиги ниҳоятда ўринсиздир. Инсонга ҳаёт каби олий неъмат Аллоҳ томонидан берилар экан, уни ҳеч ким — давлат ҳам, жамият ҳам олиб қўйишга ҳақли эмас. Ўлим жазоси моҳиятдан қасосга асосланган, жаҳолатга жавобан жаҳолат орқали эса адолат ўрнатиб бўлмайди.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги нуфузли, умумэътироф этилган халқаро ҳужжатларда яшаш ҳуқуқи энг олий ҳуқуқ сифатида таърифланган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 3-моддаси «Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга» деб белгиланган. Шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддасида кўрсатилишича, «яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир».

Бу борада айтиш кераки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддаси ҳам «Яшаш ҳуқуқи инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», деб белгиланган. Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотининг устувор вазифаларидан бири бу — инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишнинг таъминлашдир.



МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида 10 кунлик минтақавий ўқув-семинари Урганчда давом этмоқда.

Ўқув машғулотларининг асосий қисmini ҳуқуқ ва қонунчилик, давлат ва жамият қурилиши, бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, ижтимоий тараққиёт, иқтисодий юксалишнинг долзарб ҳамда стратегик масалаларига оид мавзулар ташкил этади. Ушбу йўналишдаги устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг

16 йиллик тараққиёт йўли» ҳамда «Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш — олий саодатдир» мавзусидаги маърузалари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Семинарнинг дастлабки машғулотларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Тошкент давлат юридик институти раҳбар ва масъул ходимлари, тадқиқотчи олимлари олиб бордилар.

Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун»
мухбири

«ЁШЛАР ВА ҚОНУН»

Бухоро Давлат университетида республика Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан омнивия тўғрисида»ги Қарори ҳамда «Ёшлар йили» муносабати билан «Ёшлар ва қонун» деб номланган мавзуда учрашув бўлиб ўтди.

Вилоят адлия бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи ҳамда Ҳуқуқий маърифат тарғиботи бўйича етакчи маслаҳатчиси талабалар саволларига атрофлича жавоб беришди. Учрашув баҳс-мунозара тарзида ўтди. Педагог ҳуқуқшунослар

Феруза БОЗОРОВА,
Бухоро вилояти
адлия бошқармаси
ФХДБ бўйича
етакчи маслаҳатчиси

● 2008 йил — Ёшлар йили

КЕЛАЖАК МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимизда ёшларга бўлаётган эътибор ҳақида жуда кўп гапирилган бўлса-да, аслида ушбу сўбат истиқлолимизнинг илк кунларида-ноқ давлат ривожланишининг кун тартибига қўйилиб, ҳукуматимизнинг доний эътиборида бўлиб келмоқда. Эслаб кўринг, Истиқлолнинг илк йилларида мамлакатимизда ташкил этилган Халқаро хайрия жамғармаларидан бири «Соғлом авлод учун», дея ном олган эди.

Айнан ўша йиллари мамлакатимизда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлига қўйилди. Ушбу ҳаракатлар давоми ўлароқ кейинроқ республикаимизда соғлиқни сақлаш тизимини кен қўллаш илохотлар ўтказилдики, бу соғлом авлоднинг камолга етишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ ўта мураккаб ва оғир даврда давлатимиз раҳбари соғлом авлод гоҳисини нега жамият ҳаёти учун сув билан ҳаводек зарурат, дея баҳолаганлигини бугун теранроқ англамоқдамиз. Мамлакатимизда истиқлол йилларида бошланган яна бир хайрли ишни ёшларнинг таълим-тарбия топиши, қомил инсон бўлиб вояга етиши йўлидаги ҳаракат билан боғлаш мумкин. Ушбу ҳаракат давлатимиз раҳбари томонидан бошланган «Соғлом авлод» гоҳиса билан уйғун, чамбарчас, бир сўз билан айтганда, бир-бирини тўлдирувчи, миллат

янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакат таълим ислохотидаги ишларни янги йўналишга олиб чиқди, десак, янгиликларимиз. Мазкур ҳужжатда 2009 йилга қадар бу илм масканларида 2 миллионга яқин ўқувчининг таълим олиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда республикамизнинг нафақат марказий шаҳарларида, балки энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий коллежлар қад ростламоқда. У ерда фарзандларимизнинг камол топишида барча шароитлар муҳайё қилинган. Мамлакатимизда бунёд этилиб, бугун ёшлар ихтиёрига берилган спорт ва соғломлаштириш масканлари қўллаб-қувватлаш чоралари ёшларнинг ҳавасини келтираётганлиги ҳам сир эмас. Ўзбекистонда ёшлар фаолияти ва келажагига эътиборни кучайтириш йўлида яна бир қатор ҳужжатлар — Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 1993 йил 4 мартда «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. 1993 йил 23 апрелда «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси ташкил топди. 1994 йил 13 июнда Вазирлар Маҳкамаси «Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини тақомиллаштириш комплекс дастури тўғрисида» қарор қабул қилди. 1999 йил 10 июнда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. 2000 йил 25 августда Ўзбекистонда ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш «Ниҳол» мукофоти жорий қилинди. 2001 йил 25 апрелда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топди. 2006 йил 14 мартда Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танловини ҳар йили ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди. 2007 йил 18 майда Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Утган йил охирида қабул қилинган «Бола-лар мусика ва санъат

мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармойиши таълим тараққиётидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур ҳужжатда болаларнинг жаҳон ва миллий мусиқамиз замиридаги энг замонавий ютуқларни ўзлаштириш, уларнинг малакали қарлар қўлида билли олишларини таъминлашга ҳам кенг эътибор қаратилган.

2008 йилнинг Президентимиз томонидан «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши ёшлар ва ўсиб келаётган ёш авлодга, қолаверса, мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги йўлидаги ҳукуматимиз сиёсатининг собиқтадам эканлигига яна бир далилдир.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган, 64 фоизини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Демак, Ўзбекистоннинг эртаси айнан бугун мактабларда, коллежу олий ўқув юртралида тахсил олаётган ёшлар қўлида. Президентимиз конституцияимизнинг 15 йиллигига бағишланган маросимда сўзлаган нутқда «... фарзандларимизга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзини амалда намойён этиши учун майдонни кенгайтириш керак», деганида яна бир бор эртанинг умиди ёшлардан эканини таъкидлади.

Тарихи кекса донишмандга қийёслашди. Унга таяниб иш қўриш ҳеч маҳал зиён келтирмаган. Мозийдаги энг йирик салтанатлар ҳам аслида ақл-идрок ва ўткир тафаккурнинг медалари эди. Мамлакатимизда ёшларга қаратилган бугунги сиёсат ҳам бевосита маънавияти юксак, интеллектуал етуқ шахсини тарбиялашга қаратилгандир.

Давлатназар МАТРАСУЛОВ,
Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғи



Ислом КАРИМОВ:

«...Бир томондан — кўп асрлик тарих, буюк маданият, юксак миллий анъаналар, халқларининг энг илғор ютуқларини ўзида мужассам этган тажрибага асосланган

ОЗОД ВА ОБОД ЮРТ ТИМСОЛЛАРИ



Маълумки, шу йилнинг 1 январидан эътиборан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни кучга кирди. Таъкидлаш жоизки, мазкур тарихий ҳужжат мамлакатимизда қонунийлик, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, демократик-ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ амалга ошириб келинаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти — инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини қадрлашга қаратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, суд-ҳуқуқ тизимидаги мазкур ислохотлар Юртбошимиз ташаббуси билан босқичма-босқич амалга оширилди. Бу албатта, халқимизнинг «Етти ўлчаб бир кесиш»-дек оқилона ақидасига тўла мос келади. Жинойатчиликнинг либераллаштирилиши натижасида мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш самарадорлиги ошди, ўта хавфли жиноятларнинг йилдан-йилга камайишига эришилди. Масалан, мамлакатимизда 2000 йилга нисбатан ҳозирги даврда оғир ва ўта оғир жиноятлар **56 фоизга**, қотиллик жинояти деярли **24 фоизга**, ўғирлик **42 фоизга**, номусга тегиш **7,4 фоизга** ва безорилик **6 фоизга** камайди.

Жинойатчиликнинг либераллаштирилиши туфайли жиноятларнинг бу тахлит кескин камайиши Юртбошимизнинг: «**Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ёки шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бўзган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ**», деган фикрлари нақадар ҳаётий, айна ҳақиқат эканлигининг аниқ исботидир.

Дарҳақиқат, 2005 йил 1 августда Президентимизнинг «**Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида**»ги ва 2005 йил 8 августда «**Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида**»ги Фармонлари қабул қилиндики, бу жинойатчиликнинг либераллаштирилишининг мантикий давоми бўлди, десак, янглишмаймиз. Ўз навбатида мазкур фармонлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳолади ва инсон омили ҳамда ҳақ-ҳуқуқларининг кафолати сифатида тан олинди.

Жаҳондаги деярли барча мамлакатларда асрлар мобайнида жиноятчиликка қарши кескин кураш чораси сифатида қўлланиб келинган ўлим жазосига барҳам бериш ҳозирги даврда долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Чунинчи, БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши томонидан 1984 йил 5 майда маъқулланган «**Ўлим жазосига маҳкум этилганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш чоралари**» ва 1989 йил 24 майда тавсия этилган «**Қонунсиз, ўзбошимча ва оммавий ўлим жазоларининг олдини олиш ва тергов қилиш самарадорлиги принциплари**» номли халқаро ҳужжатларда барча давлатларга бир қатор талаблар қўйилган. Бу талаблар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ўз аксини тўла топган. Демокримизки, ўлим жазосига оид амалдаги қонунчилигимиз халқаро андозаларга мос.

«**Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт**»нинг БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 15 декабрда қабул қилинган ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи Факультатив баённомаси барча ҳукуматларни ўлим жазосини бекор қилишга ва бу ҳақда мазкур баённомани имзолашга чорлайди. Ҳозирги кунда мазкур Баённомага 62 мамлакат қўшилган. Ана шу давлатлар қаторидан Ўзбекистон ҳам

ўрин олди.

Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги «**Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида**»ги Фармони асосида Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят кодекси ва Жиноят-ижроия кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бу борада илғор хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилди, ҳуқуқшунос олимлар, соҳа мутахассислари, қолаверса, кенг жамоат-

чилик фикри эътиборга олинди.

Мазкур Фармоннинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш самарадорлиги ортди. Шунингдек, бу ҳуқуқлардан сўд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеklang қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги таъминланди. Ҳозирги кунда қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш жараёнида судга тақдим этилган далиллар ҳар томонлама чуқур ўрганилгандан кейингина қонуний қарор қабул қилинаётди. Айниқса, судларнинг қонунчиликда белгиланган мавқалари кенгайди, уларнинг мустақиллиги том маънода таъминланди.

Шунингдек, ишни судга қадар бўлган жараёнда қўлланилган эҳтиёт чораси шахсни қамоқда сақлаш учун етарли асослар бўлмаса, прокурор томонидан, шунингдек, прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан эҳтиёт чораси тўғрисида қарор чиқарган судни хабардор этган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши белгилаб қўйилди.

Зотан, ўлим жазосининг бекор қилиниши айна кунларда аҳоли орасида кенг тушунириш ишларини олиб бориш, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги изчил сиёсати моҳиятини асослаб беришни тақозо этади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республиканинг жиноят қонунчилигида **33 та** оғир жиноятлар таркиби бўйича ўлим жазоси назарда тутилган эди. Жинойатчиликнинг либераллаштиришга қаратилган изчил ҳуқуқий ислохотлар натижасида **1999 йилда 8 та, 2001 йилда 4 та** ва нихоят, **2003 йилда атиги 2 та** жиноят учун ўлим жазоси қўлланилди.

Эндиликда мамлакатимизда ўлим жазоси жинойатчиликнинг бутунлай чиқариб ташланган бўлишига қарамай, ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли қамоқ жазоси қўлланиладиган бўлди. Агар дунё давлатлари қонунчилигига назар ташласак, уларнинг учдан икки қисмида ўлим жазоси қонун асосида бекор қилинган ёхуд амалда қўлланилмаганига гувоҳ бўламиз. Ўзбекистоннинг ҳам ана шундай инсонпарвар мамлакатлар қаторидан ўрин олгани бағоят қувонарлидир. Чунинчи, 1990 йилдан

ҳозирга қадар 45 дан ортиқ давлатда ўлим жазоси бекор қилинди ва эндиликда бундай мамлакатлар сони 80 тадан ортди.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи — қадим-қадимдан олимоз фозилларда, ҳуқуқшуносу адибларда, давлат арбоблари-ю, оддий фуқароларда ғоятда қизғин муносабат уйғотиб келган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, ўлим жазоси мақсадга нечоғли мувофиқлиги борасида барча замонларда ҳам жиддий мунозара бўлиб келган. XIX асрга келиб ўлим жазоси хусусидаги турли мунозаралар натижасида бир қатор мамлакатларда бу жазо тури бекор қилинди, айримларида уни қўллаш чекланди. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб эса, халқаро ҳамжамият томонидан инсон ҳуқуқлари, аввало, унинг яшаш ҳуқуқи устуворлиги қайд этилган муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач, суд-ҳуқуқ тизимида

ларга бутунлай чек қўйилди;

— мамлакатимиз қонунларининг халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан уйғунлашиши янада ортади.

Ҳар қандай қонун ва фармон, қарор ва ҳуқуқий-меъорий ҳужжат, аввало, давр, шарт-шароит тақозосидан келиб чиқиб қабул қилинади. Бунинг учун мамлакат ҳаётида, жамиятда ана шундай ҳужжатга ижтимоий, маънавий эҳтиёж туғилиши лозим бўлади.

Чунинчи, Фармонда шундай таъкидланади: «**Айни вақтда, мамлакатда амалга оширилаётган жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислохотларнинг моҳияти ва мазмуни, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазосини бекор қилиниши ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодлик-**

● Жамият ва ҳуқуқий ислохот

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ОЛИЙ ИФОДАСИ

олиб борилган кенг қўламли ислохотлар жинойатчиликнинг сифатида ўлим жазосини бекор қилишнинг ҳуқуқий заминини яратиб берди. **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси** ва Сенатининг биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида Президент Ислом Каримов бу масалага алоҳида тўхталиб: «**Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир**», деб таъкидлаганди.

Мазкур Фармонни уч нуктаи назардан,

биринчидан, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим тарихий воқеа;

иккинчидан, суд-ҳуқуқ ислохотларининг узвий таркибий қисми ва муҳим босқичи;

учинчидан, Ўзбекистонда шакллантирилаётган адолатли ва инсонпарвар фуқаролик жамияти сари қўйилган қадам, деб баҳолаш мумкин.

Президентимизнинг мазкур Фармони давлатчилигимиз тарихида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги биринчи асосий ҳужжат сифатида беқиёс аҳамият касб этди.

Шунингдек, бу тарихий ҳужжат юртимизда ҳуқуқ соҳасида узоқни кўзлаб, оқилона тарзда олиб борилган кенг қўламли ислохотлар натижаси ўлароқ қабул қилинди. Айтмоқчимизки, мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилиш дунёнинг айрим давлатлари сингари шошма-шошарлик билан эмас, балки бу сиёсий ҳодисанинг ҳар бир нозик жиҳатларини инобатга олган ҳолда амалга оширилди. Юртимизда ўтган давр мобайнида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотларга назар ташлаб, бунга яна бир қарра иқдор бўлиш мумкин.

Ушбу Фармон қабул қилинишининг аҳамиятли томонлари куйидегилардан иборатдир:

— инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳеч қачон ва ҳеч қандай йўл билан бузилмаслиги таъминланади;

— инсоннинг яшаш ҳуқуқи кафолати янада кучаяди;

— давлат инсонни ҳаётдан маҳрум қилишдек ноқулай ҳаракатни содир этишдан ҳалос бўлади;

— айрим ҳолларда хато ва англашилмовчилик натижасида гуноҳсиз кишиларнинг ҳам ҳаётдан маҳрум қилиниши каби салбий ҳолат-

дан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини тақозо этмоқда».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «**Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида**»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифарларни самарали амалга оширишни таъминлаш учун, шунингдек, қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларни интенсификациялаш мақсадида давлатимиз раҳбари топшириги билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги раҳбарлигида барча манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Мазкур қонун қабул қилингандан бугунгача бўлган муддатда ушбу гуруҳ фаол иш олиб борибди. Бу гуруҳ, бир томондан, норматив-ҳуқуқий базани ва зарур ташкилий техник шароитларни яратиш, иккинчи томондан, ҳуқуқий-маърифий ҳамда кенг тарғибот-тушунириш ишларини олиб борибди. Ишчи гуруҳнинг вазифарларидан бири этиб ўлим жазосини бекор қилиш масаласида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва айна пайтда ҳуқуқий-маърифий тадбирларни изчил олиб бориш белгиланди.

Шу муносабат билан, манфаатдор идораларда ҳамкорлик асосида бир қатор тадбирлар режалаштирилиб, барчаси ўз вақтида амалга оширилаётди. Улардан қузатилган мақсад аҳолининг барча қатламлари орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш, шу билан бирга ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва суд органлари кадрларининг касб маҳоратини оширишдан иборат бўлмоқда.

Юртимизда амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар замирида инсонийлик тамойили, инсон ҳаётининг олий қадрият эканлигини улуғлаш масаласи асосий ғоя сифатида сингирилган.

Умуминсоний қадриятларга содиқ қолиб, миллий урф-одат, анъаналаримизга таянган ҳолда инсоннинг яшаш ҳуқуқи борасида қайғуриш, бу тушунчани олий қадрият сифатида улуғлаш жамиятимизда амалий жиҳатдан ўз ифодасини топмоқда.

Абдуҳалим АХМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигининг
биринчи ўринбосари

муқаддас қадриятларга, иккинчи томондан эса — жаҳон йўлимизнинг тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда...»

Маълумки, мустақиллик йилларида биз эришган қонун устуворлиги бевосита халқимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган. Ана шундай ҳуқуқлардан бири инсоннинг яшаш ҳуқуқидир. «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» — дейилади Бош Қомусимизнинг 24-моддасида.

Давлатимиз қонунчилигида бу борада мустаҳкамланган стратегик йўналиш тегишли халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий қоидаларига тўла мувофиқдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида: «**Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир**», дейилган бўлса, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддаси 1-бандида: «**Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳо-**

ЯШАШ ҲУҚУҚИ ҲАР БИР ИНСОННИНГ УЗВИЙ ҲУҚУҚИДИР

фаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчилик билан инсоннинг яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди», — деб белги-ланган.

Турли ижтимоий-ҳуқуқий манбаларда кейинги бир ярим аср давомида ўлим жазосини бекор қилиш тарафдорларининг фикрлари, айниқса, эътиборга лойиқ:

- инсонга ҳаётни Аллоҳ берган, ундан ҳеч ким, жамият, давлат ҳам маҳрум этиши мумкин эмас. Чунки бу динга шак келтириш билан баробар;
- қотил — жамият тузумининг маҳсули, демек, жамият ҳам бу учун айбдор;
- қотилдан ўч олиш инсоний фазилат эмас, шафқатсизлик, раҳмсизликдир;
- кечиримли бўлиш инсонга хос фазилат;
- ўлим жазоси жаҳолат билан берилсади, жаҳолатни эса жаҳолат билан енгиб бўлмайди;
- хато натижасида бегуноҳ

шахсни ўлимга маҳкум этишдан кўра, жиноятчининг жазоланмай қолиши афзал;

— жиноятчига тан жазolari бериш ва уни қийнаш таъқиланганда анча норозиликлар бўлган, аммо ҳозир бу жазolarни тиклаш тарафдорлари деярли йўқ. Ўлим жазосини бекор қилишга қаршилар ҳозир ҳам кўп, лекин келгусида аксарият кўпчилик бунга, шубҳасиз, ижобий муносабат билдиради;

— қотил қамоқда ўз меҳнати, баъзан заковати билан жамият олдида ўзини оқлаш имкониятига эга бўлади.

Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахслар билан мулоқотда бўлган ҳар қандай инсон (диний уламо, юрист, айниқса, адвокат) маҳкумнинг фикр-мулоҳазалари, истак ва илти-мосларини аниқлаши, таҳлил қилиши зарур. Чунки жиноятни бевосита ёки билвосита содир этганларнинг ҳам ўз истакларини мантиқан асослашга

қаратилган фикр-мулоҳазалари масалани чуқур ва холисона муҳокамаси учун зарур экани шубҳасиз.

Энди мушоҳада қилинган, ўлим жазоси нима? Ўлим жазоси ваҳшийликка хос бир белги-ку!

Ислол оламининг машҳур муҳаддисларидан Абу Исо Муҳаммад Ибн Исо Термизий ҳам одамларни қон тўқмасликка даъват этган: «**Аллоҳ таолонинг наздида бир мусулмон кишининг ноҳақ қатл этилишидан кўра ёрғун дунёнинг барбод бўлиб кетиши ёнғилроқдир**».

Шунингдек, буюқ ҳадисшунос олим Исмоил ад-Бухорий ҳам «**Бировга зарари тегмаган киши мусулмондир**», деб Пайгамбаримизнинг ҳадисларидан келтириб, инсонларни бир-бирига зулм қилмасликка ундайди.

Ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан чиқарилиб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ

муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш айбдор шахснинг жазосини энгиллаштириш ёки бундай шахсларга мурувват кўрсатишдан ҳам кўра айбсиз кишиларнинг қонунга хилоф равишда жазоланишларининг олдини олишда аҳамиятли ҳисобланади. Тергов органлари ёки суднинг ҳақига йўл қўйилмаслигига ҳеч ким қафолат бера олмайди. Утмишда бегуноҳ шахсларнинг ўлим жазосига маҳкум қилинганлиги ва кейинчалик, уларнинг айбдор эмаслиги аниқланган ҳолатлар талайгина. Биргина қатагон қурбонларининг ишлари юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг қайта кўри-либ, улардан кўпчилиги айбсиз эканлиги исботланди.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчилигимизда ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосининг қўлланили-ши аҳолининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар топталишининг олдини олишга ва инсон-парварлик тамойилларининг одилона ҳимоя этилишига хизмат қилади.

Саломат НИЁЗОВА,
ТДЮИ ўқитувчиси,
юридик фанлари номзоди

Тизим Тадбирлари

ЁШЛАР ЭЪТИБОРДА

Шайхонтоҳур тумани «Самарқанд дарвозаси» маҳалласида ўтказилган давора суҳбатиде асосан ёш авлод тарбиясига эътибор қаратилди. «Ёшларни тарбиялашда оиланинг ўрни» мавзусида ўтказилган мазкур тадбирда Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Ўллатова, Фафур Булом номидаги маданият ва истироҳат боғи раҳбарининг маънавий-маърифат ишлари бўйича ўринбосари М.Жафаров, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар иштирок этишди. Сўзга чиққанлар мавзуга доир фикр-мулоҳазаларни тадбир қатнашчилари билан ўртоқлашди. Шунингдек, бундай тадбирларнинг мунтазам олиб берилиши нафақат балки барча аҳоли учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳусусида сўз юритилди.



Рустам МАҲКАМОВ, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

Ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан бутунлай чиқариб ташлаш ва уни умрбод ҳамда узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазolari билан алмаштириш, уларни тайинлаш ҳамда ижро этиш тартиби ва шартларини белгилаш масалаларига Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонида алоҳида эътибор қаратилган.

ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Шунингдек, Жиноят кодексига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини жиноий жазонинг мустақил тури сифатида эътироф этилганлиги, қонунда умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилинган маҳкумга нисбатан авф этишини қўллаш ёки қўлламасликнинг шартлари ва хусусиятлари очиб берилганлиги, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш фақуллода ҳолат сифатида муҳокама қилиниши ва уни асослаш зарурлиги ҳақида кенг тушунтириш берилган.

Шундай экан, биз ҳуқуқшунослар ҳам аҳоли ўртасида чиқишлар қилиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, уларга мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қиммати камситилишини қўла-маслигини, аксинча, жазо — маҳкумини ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиши ҳамда янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилишини тушунтириб беришимиз лозим.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкин, жазонинг оғирлиги билан жиноятга мутлақо барҳам бериб бўлмайди. Энг муҳими, жиноятга жазонинг муқаррарлигидир.

Олим ТўРАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг раиси вази фасини бажарувчи

ҚАТЪИЯТЛИ ҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бинобарин, мамлакатимиз Президенти 2005 йил 28 январда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида таъкидлаганидек: «**Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир**». Президентимизнинг юқори инсонпарварлик руҳидаги моҳиятани тарихий бўлган ушбу қатъий тўхтама 2005 йил 1 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазо-

сини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонида ўзининг мантиқий давоми, мазмун ҳамда қонуний ечимини топди.

2008 йил 1 январдан эътиборан мазкур Фармон кучга кириб, эндиликда Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси жиноий жазолар тизимидан мутлақо чиқариб ташланди. Ушбу оламшумул воқеанинг асл моҳиятини аниқлаш, таъкидлаш зарурки, ўлим жазосидан воз кечиш кучли фуқаролик жамиятига асосланган асл демократик давлатларгагина хос бўлган белги-лар. Жумладан, жаҳон тажрибасига мурожаат қилсак, ҳозирда дунёнинг 80 га яқин давлатида ўлим жазоси амал

қилмайди. Хусусан, Европа Иттифоқига аъзо бўлган деярли барча давлатларда ўлим жазоси бутунлай бекор қилинган. Лекин қатор ривожланган, ўзини демократик мамлакат деб билган давлатларда ҳали ҳам мазкур жазо тури амал қилиб келмоқда. Мисол учун, АҚШнинг айрим штатларида мазкур жазо тури нафақат кенг амал қилиниши баробарида ҳатто қарияларга ва аёлларга нисбатан ҳам қўлланилади. Айрим давлатларда халқаро ҳуқуқ нормаларига қисман бўлса-да, риоя қилиш мақсадида ўлим жазосига мораторий қўйилган, яъни ушбу жазо тури ноаниқ бўлган

муддатга амал қилмайди. Бундай давлатлар сирасига Россия Федерацияси ҳам кирилади.

Бу борада айтиш зарурки, Ўзбекистоннинг ўлим жазосидан ҳеч қандай шартларсиз мутлақо воз кечиши ниҳоятда иродали ва масъулиятли сиёсий қадамдир. Давлатимизнинг ушбу ютуғи нафақат республикамизда, балки жаҳонда муҳим тарихий воқеа сифатида эътироф этилиб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўзининг ўрнини мустаҳкам эгаллашда навбатдаги устувор қадамлардан бўлди.

Сурайё РАҲМОНОВА,
ТДЮИ ўқитувчиси,
юридик фанлари номзоди

Инсон ҳаёти — бу яшаш учун берилган энг олий неъмат. Бу неъматга ҳиёнат қилиш, инсониятга жамият ривож ва раванқига ҳиёнат қилиш, демакдир. Чунки, жамият тараққиётининг энг муҳим омил — бу инсондир. Инсон ўлдирилса, жисмонан ёки руҳан азобланса, унинг эркинликларига путур етказилса, бунинг таъсири ўша инсондагина эмас, балки бутун жамиятга ўз аксини кўрсатади.

АЗАЛИЙ ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсонда туғилиш вақтидан бошланган ва дахлсизлиги табиий ўлимга қадар давом этадиган жараён. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 99-моддасида онанинг ўз чаколанини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон қасддан ўлдириши учун жиноий жазо белгиланган. Ҳатто ка-

саллик боис тўшака миҳланиб қолган кекса кишининг охириги нафасини сунъий тўхтатиш ҳам қасддан одам ўлдириш жинояти тарқибини беради ва қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка асос бўлади.

Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда мамлакатимиз ҳудудиде амал қилади-

ган Жиноят кодексининг 30 дан ортиқ моддаларида ўлим жазоси мавжуд эди. Бу жазо тури ўша эски тоталитар тузум ҳукмронлиги таъсирида, фуқароларни зуравонлик билан бошқариш механизми сифатида кириб келганлиги сир эмас. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида Жиноят кодексининг санкциясида ўлим жазоси белгиланган моддалари сони босқичма-босқич қисқартирилди ва жорий йил 1 январдан ўлим жазоси бутунлай бекор қилинди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, истиқлол йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар айнан инсонпарварлик йўлидаги улғувор қадамдир!

ган Жиноят кодексининг 30 дан ортиқ моддаларида ўлим жазоси мавжуд эди. Бу жазо тури ўша эски тоталитар тузум ҳукмронлиги таъсирида, фуқароларни зуравонлик билан бошқариш механизми сифатида кириб келганлиги сир эмас. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида Жиноят кодексининг санкциясида ўлим жазоси белгиланган моддалари сони босқичма-босқич қисқартирилди ва жорий йил 1 январдан ўлим жазоси бутунлай бекор қилинди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, истиқлол йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар айнан инсонпарварлик йўлидаги улғувор қадамдир!

Дилфуза ЭРҒАШЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ

қонунларнинг демократик ва инсонпарварлик асослари мустаҳкамланиши демакдир

Бугунги кунда демократлаштириш жараёнлари ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олган. Мамлакатимизда ҳақиқий маънодаги фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий давлат қуришининг қонунчилик базоси яратилмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Буларнинг замирида, энг аввало, шахс манфаати ётибди.

Жиноятга оид қонунчиликни либераллаштириш ҳақида гапирар эканмиз, шунинг назарда тутиш керакки, ҳуқуқий тизимни либераллаштириш — бу қонун талабининг «бўша-шиши» ёки «заифлашуви» эмас.

қўллаш амалиётидан воз кечилмоқда.

Жиноят қонунчилиги тарихига мурожаат этадиган бўлсак, республикамиз мустақилликка эришгунга қадар 1959 йилдаги Жиноят кодекси амалда бўлиб келган. Унда ўлим жазоси 33 та моддада, ҳатто иқтисодий соҳасидаги жиноятлар учун ҳам кўзда тутилган.

Масалан, давлат ёки жамоат мулкни жуда кўп миқдорда талон-торож қилиш учун (эски таҳрирдаги ЖКнинг 119-моддаси) ўлим жазоси кўзда тутилган.

1995 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилган Жиноят кодексининг 13 та моддасида ўлим жазоси кўзда тутилган бўлса, 1998 йилда

ўлим жазоси яна 5 та моддадан, парламентаризм томони-дан 2001 йил 29 август кунин қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга кўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ўлим жазоси яна 4 та моддадан чиқариб ташланди.

2001 йилга келиб эса, ўлим жазоси 4 турдаги жиноятлар учун кўзда тутилди.

2004 йилга келиб, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда одам ўлдириш ва терроризмни содир этганлик

учун ўлим жазоси қўлланиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда жамияти-мизни янада эркинлаштириш жараёнида суд-ҳуқуқ тизими бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасига кўра, жиноятга оид қонунчиликда ўлим жазосини бекор қилиб, уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш зарурлигини таъкид этди.

Зеро, яшаш ҳуқуқи — инсоннинг ажралмас ҳуқуқи бўлиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларациясининг 3-моддасида эътироф этилган.

Халқи тинч ва фаровон юртвад осойишталик бўлади.

Инсон ҳуқуқи ва манфаатларига хизмат қилувчи қонунлар аҳоли фаровонлигини таъминлайди.

Жасур МАХМАНСАЕВ,
ЎзМУ ҳуқуқшунослик факультети талабаси

ЮРИДИК КЛИНИКАДА ТРЕНИНГ

Пойтахтнинг 210-мактаб ўқувчилари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг юридик клиникасида мол-мулк ҳуқуқи бўйича ўтказилган тренинга қатнашди.

Тренининг университет талабалари БМТ Тараққиёт дастурининг Тошкентдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Илгин «Одил судловда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш» лойиҳаси доирасида ўтказилди.

Ун беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар тренинг давомида тадбиркорлик фаолиятини юритиш, бурча нисбатан масъулият каби фуқаролик ҳуқуқи бўйича ҳам дастлабки билим асосларини олдидилар.

Ўз навбатида бу тренинг талабалар учун ҳам фойдали бўлди. Улар тайёргарлик кўриш жараёнида мол-мулк ҳуқуқи, Фуқаролик кодекси каби бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича бўлган билимларини янада оширдилар.

«Туркистон-пресс»

Чакмоктош

ПИРРОН

(Милоддан аввалги 365 (тахминан)-275 йиллар)

Қадимги юнон файласуфи Пиррон Элида шаҳрида туғилиб ўсган.



ернинг бир қисми, холос», — деб жавоб беради.

У Искандар Македонскийнинг Осиё юришларида иштирок этиб, гимнасофистлар билан учрашади. Пиррон ҳам Искандарнинг жанг чоғида асир олинган гимнасофистлар билан бўлиб ўтган суҳбатда ҳам иштирок этган. Гимнософистларни юнонлар «яланғоч донишманд»лар деб аташган. Бу ҳинд зоҳидлари жуда ориқ ва яшовчан бўлиб, қоп-қора баданларида белбоғдан ўзга ҳеч қандай кийимлари бўлмаган. Искандар шох уларни ўлдиршига қарор қилади. Бироқ аввал уларнинг донолигини синаб қўриш учун ҳар бирига саволлар билан муножарат этади.

Искандарнинг: «Тириклар кўпми, ўликларми?» деган саволига биринчи зоҳид шундай жавоб қайтаради: «Тириклар ҳам, ўликлар ҳам маъжуд эмас».

«Жониворларни кўпроқ ер боқадими ёки денгизми?» — деган саволга иккинчи гимнасофист: «Жониворларни асосан ер боқади. Денгиз эса

Бирин-кетин берилмаётган тағдор маъноли саволлар ҳар қанча мураккаб бўлишига қарамай, гимнасофистлар бўш келмайдилар.

Искандар шох деди: «Жониворларнинг энг айёри қайси?»

— Инсонга нотаниш бўлган жонивор энг айёридир.

Савол: — Кун аввал пайдо бўлганми ё тун?

Жавоб: — Кун бир кун аввал пайдо бўлган.

Савол: — Энг суюкли инсон

бўлиш учун нима қилмоқ керак?


Жавоб: — Бунинг учун энг қудратли ҳамда жасоратли инсон бўлмоқ лозим.

Савол: — Ҳаёт қучлими ё ўлим?

Жавоб: — Ҳаёт қучли.

Ушбу тарихий воқеадаги сўнги саволнинг жавоби Мақдуния ҳукмдорини қаттиқ ҳаяжонга солди. Унинг: «Инсон Тангри бўла оладими?» деган саволига: «Инсонлар бажаришга қодир бўлмаган ишни бажарган кимса Тангри бўлади» деб жавоб қайтаради гимнасофист. Искандар ўзи ҳақида шундай юксак фикрда эди. Шу боис асирларнинг бу жавоби унга жуда маъқул бўлади ва танитилиш қилиб, гимнасофистларни озод этади. Улуғ саркарданинг бу ғайриоддий ҳаракати дунёга яна бир ажойиб инсонни — файласуф Пирронни тўхфа қилади.

*** Агар бир нарса ҳамма учун бирдек ўзал ва оқилона кўринганда, инсонлар ўртасида гаразли бахш пайдо бўлмас эди.



Мусаввир қиш

Илоҳий муҳаббат ЎЗАЛЛИКНИНГ БУЮК ҚУДРАТИ

Нигина хоразмшоҳлар салтанати доғруи оламни тугган бир пайтда яшади. Нав-ниҳолгина бу раққоса қиз Аловуддин Муҳаммад саройида тез-тез бўлиб ўтадиган базму жамшидларда рақс тушар эди. Ўзининг жозибали ҳаракатлари ила ўзгалар кўнглига олам-олам завқ-шавқ бахш этган бу сулуванинг васли кўйида не-не азамат ўғлонлар куйиб-ўртанмоди, дейсиз?

Айниқса, у ўз мафтункорлиги билан Хўжанд ҳокими Темур Маликни муҳаббат оташида ёқарди. Темур Малик наздида беназир чирой ва лафозат соҳибаси гўё саккизинчи осмон ҳурларидан бири эди. Ҳокимнинг хаёлини ости-устун қилишга, қалбини чексиз изтиробларга солиб қўйишга биргина «Нигина» сўзининг ўзи кифоя қиларди. Унга уйла-ниш орқалигина ўз дарди фароғат топишини билса-да, Темур Маликнинг бу борадаги ўйлари, орзу-интилишлари сароблигича қоларди. Негаки, қайнотаси — салтанат ҳукмдори Аловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Нигинани саройининг файзи-таровати, кўрки-жамоли деб билар, қолаверса, шундай бемонанд соҳибжамолни ўз қизи устига кундош қилиб, кўёвига узатмаслиги аён эди.

Нигина энг бой аёллар қаторида тарих битикларида қайд этилади. Унинг олтин-кумуш ва дуру жавоҳирлари амурулар тўплаган бойликлардан ҳам икки ҳисса кўп бўлган. Бироқ Нигинанинг юраги моддий бойликлардан-да юз чандон қадрли бўлган маънавият билан лиммолим тўлиб тошган эди. У суюкли, фидойи бир фарзанд сингаги туғилган заминини жондан ортиқ яхши кўрар, унинг файзли кунлари учун жонини тикшига ҳам тайёр яшарди. Уша тарих битикларига қора ва мудҳиш лавҳалар бўлиб муҳрланган қолган 1221 йилги мўғуллар босқини Нигинанинг икки олами шафқатидан тиниқлигини кўрсатди.

Турон заманига қашқирдай қутуриб, қонсираб бостириб келган мўғуллар важоҳати Жалолиддин Манғуберди ва Темур Маликлардай жавонмуд эрларни чўчита олмади. Улар бор қулларини ақлига, билагига йиғиб, фанимга қарши мардона курашишга бел боғладилар. Лекин ўзини Искандари Соний деб атаган шох Аловуддин Муҳаммад, унинг арзидан ўғиллари ва «икки дунё хотинларининг подшоҳисман», деб ўзига бино қўйган жоҳил Туркун хотун ҳамда сон-саноксиз беку амирлар арқони-давлатини қарвонларига ортиб, онадай буюк Ватанларини ёғийлар оти тўёвига шундоқ топширганча қочиб қолдилар. Муҳаммад Хо-



размшоҳнинг калтафаҳм ва худбинлиги боис Жалолиддиннинг қулларини бир жойга тўплаб, уюшган ҳолда жанг қилиш таклифи инобатга олинмади. Шу боис, Темур Малик ўз қуллари билан алоҳида мўғулларга қарши жанг олиб борди. У жуда кўп қаҳрамонликлар кўрсатди. Унинг мардлиги афсонага айланди. Богдоддан паноҳ толган Нигина эса, хоҳ Жалолиддин бўлсин, хоҳ Темур Малик, мабодо ўчраб қолса хабар етказишни тайинлаб, ўз даракчиларини ҳамма жойларга жўнатиб юборган эди.

... Богдод кўчаларида оддий фуқаро кийимда, изтиробли қўёвда кезиб юрган Темур Маликнинг қўлини бир дарвеш маҳкам ушлаганича аллақерга қараб торта бошлайди. Эгри-бугри кўчалардан юр-га, бир қулба олдидан тўхтади. Ичкарига қиришганида Темур Маликнинг нигоҳи тўшақда ўлим билан олишиб ётган, чўндай озлиб кетган, заъфарон эзили аёлга тушади. Беморнинг лаблари оҳиста титраб, пахлавонни ёнига чакиради ва ўзининг Нигина эканини айтиди. Сўнг ёстиғи остидаги катта туғунни олишни сўрайди. Темур Малик туғунни оларкан, бемор илтиҳо қила бошлади: «Сиз буларни Ватан азодлиги учун сарф айланг. Қурол сотиб олинг, лашкар тўплаган. Душманларни тоза юртимиздан ҳайдаб юборинг. Шунда ғўримда армонсиз ётурман». Тугун ичидан раққоса умр бўйи шох салтанатида тўплаган олтин жавоҳирлар бор эди...

Темур Малик раққоса билан хайрлашар экан, бир пайлар ўйин-қулгудан бўлак иши йўқдай кўринган Нигинанинг она-юртига нисбатан севгисига ич-ичидан тан беради.

Чеховнинг «Ёвуз ниетли киши» ҳикоясини ўқиганмишсиз? Ҳикояда тасвирланган «муҳим» бошқа ҳамқишлоқлари қатори дарёдан балиқ тутиш учун ясалган қармоғига темир йўл ресурсларини тутиб турадиган гайкаларни очиб олиб, чўқтиргич сифатида боғлаб олади ва бу иши бориб турган машъум жиноят эканлиги ҳақида сира тасаввурга эга бўлмайди. Наҳотки, релсыдан очиб олинган битта гайка шундай катта поездни издан чиқариб юборса, дея ақлига сиғдирилмайди.

Кингир иш «УЧ ОЁҚЛИ» ЎҒРИЛАР



Косонлик «уч оғайни ботирлар» Шўҳрат, Шавкат ва Зокирларнинг қилмишини ҳам шу «муҳим» ишига менгаш мумкин. Гап шундаки, улар билса ҳазил, билмасча чин, қабилда иш тутиб, даст қўйишдаги Муборак магистрал газ қувурлари бошқармасига қарашли қувурлар ички қисмини тозалайдиган УЗП-1 асбоб-ускуналарни атрофини ҳимоя қилиб турган сым девор ва уни тутиб турган темир «угольник»ларни қўпориб олиб, «Урал» мотоциклга ортиб, «кўёнинг расми»ни чизишади. Бу қилмишлари билан улар магистрал газ қувурлари тизимига каттагина зарар етказишади.

Аслини олганда, бу «операция»ни ижро этиш унчаллик осон иш эмас. Улар бир неча кун аввал бу ерларга ириқчи териш баҳонасида келган ва гўё «разведка» қилиб кетишган эди. Шу боис ҳам улар бу маконга йўл олаётганларида ўзлари билан кўпуровчи махсус мосламалар ола келишганди. Бу қуроллар ва тежор ҳаракат иш берди. Улар биринчи уринишдаёқ ҳар бири 10 метрдан 5 донга, жами баҳоси 152.350 сўмлик сым ҳимоя тўсиқларини яширин равишда ўғирлаб кетишга муваффақ бўлишди. Демакки, бу қора қил-

Килмиш «ТАКСИ» КИМНИКИ? ЁКИ ЎЗБИЛАРМОН КИРАКАШЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА

Кўза кунда эмас, кунда синади, деганлари рост экан. Ваҳоланки, ота ўлини оғоҳлантирган эди. — Ўғлим, тартиб-интизом, қонун-қонда шохга ҳам, гадога ҳам бир. Қингир ишининг қийини, албатта, чиқади. Бир марта ўзбошимчилик қилиб, жабрини тортиднг. Кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотди, иккинчи мартаба кўлга тушсанг, «ўнганолмайсан». Ундан кўра, тегишли ҳужжат тўрилади, тақсимилик қилавер. Ахир ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич деганлар, — деди.



Йўқ, бу сафар ҳам маҳмадона ўғил ўз билганидан қолмади. Қирим деса бай-бай, чиким деса ҳай-ҳай касалига дучор бўлган ўғил тегишли ҳужжат харажати-дан қочди. Натижада уч ой ўтмай, яна кўлга тушди. У ноқонуний киракашлик билан шугулланган эди. Бу сафар унинг оқ-воҳи, тавба-тазарруси инобатга олинмади. Жиноят кодексининг 190-моддасига биноан жиноят иши кўзга-тилиб, унинг автомашинаси жиноят қуроли сифатида давлат фойдасига мусодара қилинди, ўзи ҳайдовчиликдан узоқ муддатга маҳрум этилди. Очиги, бугун шаҳар ва қишлоқларимизда «такси»чилар халдан ташқари кўпайган. Лекин ушбу фаолият билан шугулланаётганларнинг кўпчилиги ноқонуний тарзда иш юритмоқда. Тўғри, юртимизда тадбиркор ва ишбилармонлар учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилган. Лекин бу ҳар ким хоҳлаганича иш тутсин, дегани эмас. Ҳамма нарсанинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидаси бор. Унга амал қилиш ҳар бир кишининг бурчи. Бу ҳақиқатни ҳеч қайсимиз зинҳор унутмаслигимиз керак. Яқинда идорамиз ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўриқонда»ги Қонуни Вазирилар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июлдаги «Автомобиль транспортда йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги Низоми ва бу борадаги бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ижроси таҳлил қилиниб, шу асосда бир неча бор текширишлар ўтказилди. Шол кўрмасиз бўлмайди, деганларидек, айрим кимсалар аҳолига тегишли лицензиясиз пуллик транспорт хизмати кўрсатиб келмоқдалар. Янгиқўрғонча қишлоғида яшовчи Рашид Ҳамроев ўзига тегишли «Дамас» русумли, давлат рақами 14 I 30-78 бўлган автомашинасини Каттакўрғон шаҳри, У.Юсупов кўчасида истиқомат қилувчи ўғли Наби Ҳамроевга берган. Хотамтой ўғил отасининг машинасини олиб, ноқонуний тарзда ҳеч қандай рухсатномасиз, лицензия олмадан, киракашлик билан шугулланган. У Каттакўрғон шаҳри билан Янгиқўрғонча қишлоғи ўртасида ўзбошимчилик билан «маршрут» очиб, аҳолига мунтазам пуллик хизмат кўрсатиб келган. Қирандан тушган мўмай пулни ўз киссасига урган. Шунингдек, Каттакўрғон шаҳар Ермачит кўчаси, 83-уйда

Таассуф ТЕРС ТАДБИРЛИ «ТАДБИРКОР»ЛАР

Пахтобод туманида яшовчи П.Абдулхоевга кейинги пайтларда қўсимлик ёни савдоси даромод келтиришга қўйиладиган ва у бундан фойдаланиб қолмоқчи бўлади. Хуллас, у уйига мойжувоз келтириб ўрнатади. Тез орада ёғ чиқариш учун чигит ҳам топиб келади. Шундай қилиб, энди фақат мойжувозни тоққа улаш қолганди. — Бу ишни қонуний қилсам, фойда андак камаяди-да. Шунинг учун бунини яширин қилишим керак, — дея мойжувозни электр тармоғига ноқонуний улаб қўя қолади. Албатта, ҳамма нарсанинг ҳам ҳисоб-китоби бор, кингир иш дегани бир кун фаш бўлиши тайин. Яна шундай «чапани» тадбир-

Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси Жиззах шаҳар 2-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси **КАРИМОВА Собира Алларовна**нинг бевафот вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Адлия вазирлиги жамоаси Тошкент шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Дипмурод Ибрагимовга отаси **Неъматжон ИБРАГИМОВ**нинг вафот этганилиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Адлия вазирлиги жамоаси Жиззах вилояти Мирзачўл туман давлат нотариал идора нотариуси **МАМАСОЛИЕВ Равшанбек Ходжабеков**нинг вафот этганилиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Холжўра КОДИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси СВОЖЖДЛҚ Департаменти Андижон вилоят бошқармаси матбуот гуруҳи раҳбари, Шўҳратбек МУСАЕВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

ИНСОН ва ҚОНУН МУАССИСА Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1996 йилнинг январидан назр этилади	Бош муҳаррир: Кўчкор НОРҚОБИЛ	ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Аҳмедов Абдуқалим Абдураҳмонов Мустафоев Ёрғитов Мустафоев Ражабова Маважуда Абдуллаева Маҳмудов Латифжон Мирзаев Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич	Масъул Шох: Сулонов Матрасул Давлатназар Раҳимбергашева Сандов Шокор Камолович Ҳамроев Ислом Ҳамроевич	Навбатчи Алимурод ТОҶИЕВ Саҳифаловчи: Фарход ХУҲАНАЗАРОВ	Индекс: 646882 «ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимида. 2-босма табоқ ҳамда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа уюшмалари компанияси босмаханасида босилди. Қорғон маҳсули: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-16. Тиражи — 12988. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 1.00 — тижорат мақола.	МАНЗАТИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилтоғ кўчаси-5. Тел: 233-84-50. Факс: 233-95-31. e-mail: inson_va_qonun@mail.ru
---	---	---	--	--	--	--